
БАҲОДИР ХОЛИҚОВ РИШТОН ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Халқ депутатлари Риштон туман кенгашининг вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров иштирокида бугун, 11 август куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида ташкилий масала кўрилди.

Шу пайтгача Фарғона вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаб келган Холиқов Баҳодир Раҳматуллаевични Риштон тумани ҳоқими этиб тайинлаш тўғрисидаги вилоят ҳоқимининг қарори Халқ депутатлари Риштон туман кенгаши депутатлари томонидан бир овоздан маъқулланди.

2019 йилдан бери Риштон тумани ҳоқими бўлиб ишлаб келган Суфҳонжон Солиев Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27-28 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида бўлиб ўтган йиғилишда ҳудудда ишларни лозим даражада ташкил этмагани учун лавозимидан озод қилинганди.

Сессияда сўз олган вилоят ҳоқими туманда сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришлар, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим бўлган қулоччилик соҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган натижаларни алоҳида қайд этди.

Шу билан бирга, бугунги ривожланиш даврида ошиб бораётган аҳоли талабларидан келиб чиққанда амалга оширилишини кутаётган ишлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммо ва масалалар талайгина эканига, қайд этилган натижалар нисбий олиб қараганда етарли бўлмаганига эътибор қаратган вилоят раҳбари, янги туман ҳоқими олдида турган устувор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, хорижий инвестициялар кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш, янги кичик саноат зоналари ташкил этиш, ҳунармандчилик ва туризмни янада ривожлантириш, кўп қаватли турар-жойлар қурилишини янада жадаллаштириш, ижтимоий соҳа, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича аниқ марралар белгилаб берилди.

Баҳодир Холиқов 1972 йилда Риштон туманида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университетини иқтисодий кибернетика йўналишида тамомлаган.

Узоқ йиллар давомида Солиқ тизимида турли масъул лавозимларда ишлаган, Марғилон, Қувасой ва Фарғона шаҳарлари Давлат солиқ инспекциялари бошлиғи бўлган. Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Фарғона вилояти бўлимига раҳбарлик қилган. 2019-2020 йилларда Қувасой шаҳар ҳоқимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - шаҳар иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи, 2020-2021 йилларда вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи бўлиб фаолият олиб борган.

2021-2022 йилларда Фарғона вилояти ҳоқимининг ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, 2022-2023 йилларда вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борган.

2023-08-11 19:47:13